Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 15 октябр жума

Сотувда эркин нархда

№ 203 (2241)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Р.Р.Юнусовни "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда Республика ижтимоий сиёсий ҳаётида фаол иштироки учун Рустам Расулович Юнусов "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 13 октябр.

1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ

ҚУРУЛТОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Миллий тикланиш демократик партиясининг иккинчи қурултойи якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Партия Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров партия олдида турган муҳим вазифалар ва унинг сайловолди Дастури тўғрисида батафсил маълумот берди.

Матбуот конференциясида таъкидландики, ўн минг нафар аъзога эга бўлган партия Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муқобиллик асосида Иброҳим Ғафуров номзодини кўрсатишга қарор қилган эди. Лекин партия Президентлик номзоди учун "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунда белгиланганидек, сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини (125 минг сайловчи имзоси) тўплашга муваффақ бўлмади. Бу ҳақда қурултойга ахборот берилди.

Шу сабабли Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси қурултойи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Иброҳим Ғафуров журналистларнинг сайловларга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ саволларига жавоб қайтарди. Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Миллий тикланиш демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланганини ҳам маълум қилди.

(ЎзА).

НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

НУКУС

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси бўлиб ўтди. Жўқорғи Кенгес раиси Т.Камолов бошқарган мазкур сессияда мамлакатимиз Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Делегатлар мамлакатимиз Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

БУХОРО

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессияси бўлди.Вилоят ҳокими С.Хусенов раислигида ўтган мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Депутатлар мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, вилоят ҳудудидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

ЖИЗЗАХ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев раислигида ўтган ушбу сессияда мамлакат Президентлигига, Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессияда Ислом Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларни республика Марказий сайлов комиссияси рўйхатидан ўтказиш таклифи киритилди.

НАВОИЙ

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ғ.Дилов бошқарган мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Сессия қатнашчилари мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, вилоят ҳудудида жойлашган Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

САМАРҚАНД

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Э.Рўзиев бошқарган ушбу сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессия қатнашчилари мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Вилоят ҳудудида жойлашган Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар ҳам кўрсатилди.

СИРДАРЁ

Халқ депутутлари Сирдарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакат Президентлиги ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш масалалари кўриб чиқилди.

Вилоят ҳокими Ў.Исмоилов раислигида ўтган мазкур сессияда сўзга чиққан депутатлар Ислом Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, вилоят ҳудудидаги сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига ҳам номзодлар кўрсатилди.

ФАРҒОНА

Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов бошқарган халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш масалалари муҳокама этилди.

Сессияда сўзга чиққан депутатлар Ислом Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, вилоят ҳудудидаги сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига ҳам номзодлар кўрсатилди.

(ЎзА).

ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ

Юртимизда олтин куз кезмоқда. Унинг бутун тароватини сиз суратда кўриб турган кўзни қамаштирувчи узум доналарига жо бўлгандек... Унга маҳлиё бўлиб турган боғбон қиз Зулхумор Ғаффорова эса — Китоб туманидаги Каромат Рустамова номли ширкат хўжалигида ижарачилик қилаётган ёш соҳибкорлардан бири.

Зулхуморнинг тасарруфида 1,4 гектар узумзор бор. У йил бошида хўжалик бошқаруви билан 10 тонна узум етиштириш юзасидан шартнома тузганди. Бугун унинг қувончи ичига сиғмайди. Чунки ҳалол меҳнат ўз самарасини берди. Шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Демак, даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Ўзбекистон Давлат архитектура қурилиш қўмитасида республика қурилиш комплекслари тўққиз ойлик иш якунларига бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш ўтказилди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев бошқарган мазкур кенгашда капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бориши ва қурилишни ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Семинар қатнашчилари қурилиш комплекслари корхоналарида ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари кўргазмасини кўздан кечирдилар, пойтахтимизда қуриб фойдаланишга топширилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бўлиб ўзаро тажриба алмашадилар.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида мамлакат юристларининг республика Президенти ва Олий Мажлисга сайловлар жараёнидаги вазифаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Сирожиддин Мирсафоев бошқарди.

Анжуманда сайловолди ҳуқуқий-тарғибот ва сайлов қонунчилигини тушунтиришда, мазкур сиёсий кампанияни ўтказишда қонунчиликка қатъий риоя этилиши таъминланишида республика адлия идоралари ҳамда ҳуқуқшуносларининг амалга оширган тадбирлари ва вазифалари ҳақидаги маърузалар тингланди.

Музокараларда сўзга чиққанлар, вазирлик таркибий тармоқ раҳбарлари, вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари сайловолди тадбирларнинг тугалланаётган биринчи босқичида амалга оширган ишлари ҳақида ҳисобот бердилар, камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилган режалари хусусида сўз юритдилар.

Қайд этилдики, сайловларга тайёргарлик, номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ишлари якунланай деб қолди. Ишлар энди авж палласи – сайланувчи ва сайловчиларнинг фаоллигини ошириш, демократия, фуқаролик бурчи ва қонунларни тушунтиришнинг алоҳида даври бошланди. Ҳуқуқшунослар бу жараёнда ўз фаолиятларини янада юқори савияда, масъулиятни ҳис этган ҳолда амалга оширишлари лозим. Сайловлар демократик асосда, қонунларга қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилишида барча ҳуқуқшуносларнинг муносиб ва алоҳида ҳиссаси бўлиши давр талаби, касбий бурчимиз ва фуқаролик фарзимиздир.

Семинар-кенгашда билдирилган мулоҳаза ва тавсиялар асосида сайловлар ниҳоясига етгунга қадар амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот хизмати.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

Тошкентда экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашиш масалаларига бағишланган халқаро конференция бошланди.

Анжуманни "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро савдо маркази, АҚШнинг савдо ва тараққиёт агентлиги, Сармояларни ҳар томонлама кафолатлаш бўйича агентлик, Халқаро менежментни ривожлантириш маркази каби ҳалқаро ташкилотлар ҳамда экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий ва хорижий ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад халқаро технология, товарлар ва хизматлар бозорига чиқишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро тажрибалар, шунингдек, кутилмаган ҳодисалардан суғурталаш масалалари билан таништириш ҳамда ушбу жараённинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдир.

Анжуманнинг биринчи кунида Ўзбекистонда ташқи савдони эркинлаштириш йўлида қўлга киритилган ютуқлар, маҳсулот савдоси ва ишбилармонларга қулай шароит яратишнинг халқаро механизмлари, халқаро савдо баҳсларини ҳал этиш, Ўзбекистонда маҳсулотларни андозалаш ва сертификатлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Анжуманда маърузачилар экспорт маҳсулотларининг маркетинги, кичик ва ўрта бизнес вакиллари маҳсулотини экспорт қилишда давлат стратегияси масалалари, Ўзбекистон экспорт салоҳиятини оширишда сайёҳликнинг ўрни каби қатор мавзуларга ҳам эътибор қаратди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Кеча Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонун ҳамда ЮНЕСКОнинг «Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги (1970) Конвенциясига Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан риоя этилиши ҳақидаги масала кўрилди.

Мажлисни Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов кириш сўзи билан очди. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Пиримқул Қодиров олиб борди.

Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Х. Жўраев ва Давлат божхона қўмитаси раиси Ў. Комилов ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши қонун асосида тартибга солинаётгани ва бу соҳада кўпгина амалий ишлар қилингани мажлисда эътироф этилди. 1998 йил ва 1999 йилнинг августигача Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги бадиий экспертиза бошқармаси томонидан маданий бойликларнинг олиб чиқилишига 3106 та, олиб кирилишига 184 та рухсатнома берилган. Айни пайтгача олиб чиқилишига рухсат берилган предметларнинг сони 34077 тани, олиб кирилишига эса 19138 тани ташкил этади.

1998 йил ва 1999 йилнинг августигача Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан маданий бойликларни ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишга уриниш бўлган 278 ҳол аниқланган ва олиб чиқиб кетишга мўлжалланган 36933 дона предмет тўхтатиб қолинган. Шулардан 35329 таси давлат музейларига ва 33 таси Ўзбекистон Фанлар академиясининг институтларига берилган, қолганлари ўз эгаларига қайтарилган.

1999 йилнинг ўтган даврида Давлат божхона қўмитаси тизимида маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишга бўлган уринишнинг 36 факти аниқланган. Шулардан 9 та ҳолатда тарихий аҳамиятга эга бўлган заргарлик буюмлари, 12 ҳолатда қадимий танга пуллар, 8 ҳолатда қадимий патефон, соат ҳамда қурол, жами қиймати 2 миллион 8 минг сўмни ташкил этадиган предметлар ушлаб қолинган.

Давлат божхона органлари ва Маданият ишлари вазирлигининг экспертлари томонидан биргина 1999 йилнинг ўтган даврида диний экстремистик мазмундаги 3859 та китоб, 154 варақа ва 650 аудио-видео кассеталар, пархографик мазмундаги 74 та журнал ва 54 та видеокассеталар ушлаб қолинган ва йўқ қилинган.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатларга риоя этилишида камчиликлар ва муаммолар борлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, маданий бойликларнинг давлат муҳофаза рўйхатлари ва реестрининг йўқлиги маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солишда қийинчиликлар ва муаммоларни юзага келтирмоқда. Маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши ёки олиб кирилиши ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, ариза, Ўзбекистон Республикасидан вақтинча олиб чиқилаётган (жўнатилаётган) нашрлар рўйхати, санъатшунослик эксперти хулосаси ва шу каби бошқа ҳужжатларнинг нусхалари босмахонада кўпайтирилмаган.

Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини жойларда ҳал этилиши учун етарли шароитлар ташкил этилмаган. Бадиий экспертиза бошқармасининг назорат қилиш бўлими атиги 7 кишидан иборат бўлганлиги учун «Тошкент» аэропорти, «Шимолий» вокзал, «Тошкент-юк» станцияси ва бошқа йирик божхона пунктларида экспертларнинг узлуксиз навбатчилигини ташкил этиш имконияти йўқ. Шунингдек, аэропорт, вокзал ва контейнерларни жўнатиш жойларида маданий бойликларни бадиий экспертизадан ўтказиш учун тегишли хоналар ажратилмаган.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев, бадиий экспертиза бошқармасининг бошлиғи И. Зуфаров, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона мажмуининг бошлиғи Ш. Эгамбердиев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н. Аминов, олим А. Қаюмов сўзга чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева бугун кўрилган масала ўта муҳим ва долзарб эканлиги, мазкур ҳужжатларга амалиётдан келиб чиқиб, керак бўлса қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида таклифлар бериш лозимлиги ҳамда кадрлар тайёрлаш ҳақида гапирди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қўшма қарор қабул қилинди. Қарорда ушбу масала бўйича мавжуд бўлган камчилик ва муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Туломова бошқарган мазкур йиғилишда мамлакат Президенти, Олий Мажлис, шунингдек маҳаллий вакиллик органларига бўлажак сайловларга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарининг жойлардаги сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган номзодларга сайловолди дастурларини тузишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва материалларни олишда, оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланишларида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши зарурлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиясини ошириш, уларнинг сайлов кампаниясида фаол иштирокини таъминлаш вазифалари белгиланди.

З. УСМОНОВА, (ЎзА).

ХАЛҚ СЎЗИ

Ўлмас МАШАРИПОВ, республикада хизмат кўрсатган кооперация ходими:

ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ

— Ахборот, янгиликлардан бохабар бўлиш билим доирангизни, дунёқарашингизни кенгайтириши табиий. Билим савиянгиз юксакми, демак сиз кучлисиз. Кучли инсон эса доимо музаффар бўлади, иши ўнгидан келади, жамиятда ўз ўрнига ва овозига эга бўлади. Қаранг, биргина кундалик воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш замирида қанчалик катта мазмун-моҳият ётибди.

Модомики шундай экан, кундалик ахборот-янгиликларга бўлган эҳтиёжимизни қайси нашр қондира олади, деган саволни кўндалант қўйишингиз турган гап. Албатта, «Халқ сўзи». Чунки у мамлакатимизда ҳафтасига 5 марта чоп этиладиган ягона газета.

Мен қарийб 8 йилдан буён «Халқ сўзи» билан яқин дўст тутинганман. Эрталаб ишга келишим билан «энг яқин дўстим»ни қўлга оламан. Даставвал, ихчам, унда, лекин мазмунан, салмоқли янгиликлар эътиборимни тортади. Уларнинг бириси республикамизнинг қайсидир бурчагида фаолият кўрсатаётган тадбиркор ёхуд мулкдорнинг Истиқлолдан кейинги ютуқларидан гап очса, иккинчиси хорижий ўлкаларда содир бўлаётган ҳодисалардан сўзлайди.

«Энг яқин дўстим»нинг яна бир хислати ҳақида тўхталмасдан иложим йўқ. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳам айнан ундан топасиз. Биз ҳуқуқий демократик жамият қурмоқдамиз. Қонун билан кафолатланган ҳуқуқини билмоқчи, унинг учун курашмоқчи бўлган инсонга эса «Халқ сўзи» яқин кўмакдош бўлиши аниқ.

«Яқин дўст»ингиз ижтимоий-сиёсий масалалар билан чекланади, деб эътироз билдирмоқчимисиз? Йўқ, янглишасиз. Битта мисол: корхонангиз ёки уйингизни таъмирлатмоқчисиз, замонавий техникалар ўрнатмоқчисиз дейлик. «Халқ сўзи» саҳифаларини очинг. Сифатли хизмат кўрсатувчи фирма ва компанияларнинг эълонларига кўзингиз тушади.

Балки сизни мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ривожи, бунёдкорлик ишлари қизиқтирар? Бу борада ҳам «Халқ сўзи» муносиб суҳбатдош бўлишига ишонаман. Ёки баъзи эскича фикрловчи раҳбарларнинг кирдикорларидан хабардор бўлмоқчидирсиз, марҳамат, «Журналист суриштируви» рукни остидаги танқидий-таҳлилий мақолаларни ўқиб боринг.

Хуллас, айтаверсам, гап кўп. Мен сизга «энг яқин дўстим»нинг бир неча хислатларини санаб ўтдим, холос. Агар сиз ҳам у билан дўст тутинсангиз, яна кўплаб фойдали жиҳатларини билиб олишингизга, доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонаман.

Шунинг учун ҳам «Халқ сўзи»га 2000 йил учун биринчилар қаторида обуна бўлдим. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўзим раҳбарлик қилаётган Янгийўл туманидаги мўъжазгина нон корхонамиздан яна 10 кишини корхона ҳисобидан обуна қилишга киришдик. Энди улар ҳам «Халқ сўзи» билан дўстлашадилар. Газета эса, уларнинг беминнат маслаҳатчисига, дардкаши ва мададкорига айланади.

Яқин дўстимнинг нашр кўрсаткичларини эслаб қолинг:

«Халқ сўзи» — 229,

«Народное слово» — 116.

БОТКЕН:

ХАВФ БАРТАРАФ ЭТИЛДИМИ?

Жанубий Қирғизистондан олинган сўнгги хабарларга қараганда, террорчи гуруҳларнинг асосий қисми Телба довони орқали Қирғизистон Республикаси ҳудудидан чиқиб, Тожикистон Республикасининг Жирғатол туманига ўтиб кетган. Аммо 100 га яқин босқинчи икки мамлакат чегарасидаги Телба ва Қорағўшхона довонларини ва унга туташ ҳудудларни назорат қилиб турибди. Тўрт япон геологи ва қирғиз генерали А.Шамкеев ҳамон гаровда ушлаб турилибди. Маълум бўлишича, гаровдагилар 5 октябргача Шудман яйловида бўлган, сўнгра жангариларнинг асосий қисми билан Тожикистон ҳудудига олиб кетилган. Ҳозирги пайтда улар Жирғатол туманидаги қишлоқлардан бирида сақлаб турилибди.

Террорчилар ва уларнинг хомийлари гаровга олинганларни қайтаришни пайсалга солиб, икки мақсадни кўзламоқдалар. Биринчидан, матбуот диққатини кўпроқ жалб этиш ва ўзларини кучли қилиб кўрсатиш, иккинчидан эса, мўмайгина маблағ ишлаб олиш. Аммо халқаро терроризмнинг энг кўп тарқалган бу усули жаҳон жамоатчилигининг қаҳр-газабини оширмоқда, холос.

Қирғизистоннинг ҳукумат қўшинлари Жили-су ва Янгидовон дарёлари қўшилган жойда ва Шудман яйлови ҳудудида ўрнашиб, озод қилинган жойларда "тозалаш" ва миналарни зарарсизлантириш билан шуғулланмоқдалар. Айни пайтда, босқинчиларнинг сўнгги тўдаларини мамлакат ҳудудидан суриб чиқариш чоралари кўрилмоқда, дейилади Қирғизистон ҳукумати матбуот хабарномасида.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади. Босқинчилар мамлакатдан "суриб чиқарилса", тажовуз қайта такрорланмайдими? Қирғиз деҳқонларининг тинч ҳаёти яна бузилмайдими? Чегаралар мустаҳкамми? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев яқинда бўлиб ўтган мамлакат Парламенти сессиясида хавф сақланиб қолаётганлигини, Тожикистон билан чегарада жангарилар яна куч тўплаётганлигини эътироф этди.

Халқаро муносабатларда оддий бир қоида бор: суверен давлат чегарасини бузиб, мамлакатга қурол кўтариб кирган ҳар қандай гуруҳ тажовузкор куч ҳисобланади ва у билан муросасиз кураш олиб борилади. Аммо Қирғизистон қуролли кучлари раҳбарларининг "ғалаба" ҳақидаги саноқсиз рапортларига қарамасдан босқинчилар жиддий талафот кўрмай, хотиржамлик билан чиқиб кетмоқдалар. Зардоли ва Хўжа-Очкан қишлоқлари ҳам улар чиқиб кетгандан кейин олинганлиги маълум бўлди. Ҳукуматнинг бир неча минг кишилик армияси бир тўда жангарини ўраб ололмайдими? Ҳукумат қўшинларининг самолёт ва вертолётлари уларни нега таъқиб қилмайди? Бундай "дўстона" хайр-маъзурдан кейин босқинчилар яна қайтиб келмайди, деб ким кафолат бера олади?

Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар фақатгина бу қўшни мамлакатга дахлдор эмас. Чунки, террорчиларнинг мақсади Марказий Осиё республикаларидаги барқарорликни издан чиқариш, Тожикистондаги каби фуқаролар урушини қўзғаб, ўрта аср тартибларига асосланган тузум ўрнатишга интилишдир. Бунда улар ўз мақсадларини сохта диний шиорлар билан хаспўшламоқдалар. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Жангариларнинг Қирғизистон жанубидаги бузғунчилик ва қонхўрликлари уларнинг кимлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Насриддин Муҳаммадиев (ЎзА).

1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ

ТАШАББУСКОРЛАР НОМЗОД КЎРСАТИШДИ

Сайловларимизнинг демократик тамойиллар асосида ўтиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, дейиш мумкин. Сиёсий партиялар билан бир қаторда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳам депутатликка ўз номзодларини кўрсатишлари бу фикрнинг яққол исботидир. Айни пайтда бошқа жойлардаги сингари Самарқанд вилоятида ҳам ана шундай ҳаракатлар давом этаяпти. Вилоятда яқинда яна бир сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи ташкил топди.

Боғишамол туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамид Исломов вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 2-Университет сайлов округидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ташаббускор гуруҳни тузди. Энди гуруҳ аъзолари вилоят Кенгаши депутатлигига ўз номзодларини тавсия этишади.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи биринчи Кувасой сайлов округида сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловчилар учун хоналар жиҳозланиб, бу ерга сайлов тўғрисидаги қонунлар, кундалик матбуот нашрлари, номзодлар ҳақида маълумотларнинг муҳайё этилганлиги сайловчиларга қулайлик туғдирмоқда.

СУРАТДА: комиссия аъзолари. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Тошкентда, Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида Вазирлар Маҳкамаси қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати мажмуининг мажлиси бўлди. Мажлис шу йилнинг тўққиз ойида капитал қурилиш истиқбол режаларининг ҳамда давлат инвестиция дастурининг бажарилиши якунларига бағишланди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев бошқарди.

Мажлисда мажмуага қарашли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, капитал қурилиш бошқармаларининг бошлиқлари, йирик қурилиш трестларининг бошқарувчилари, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари корхоналарининг раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек республикамиз молия, лойиҳа ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилди.

Мажлис иштирокчилари Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва бинокорлик материаллари мажмуи тармоқларида иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини кўриб чиқдилар. Тўққиз ой ичида республикамизда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 371,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилгани айтилди. 6,2 миллион квадрат метрга яқин уй-жой фойдаланишга топширилди, 2,9 минг километр газ тармоғи ва 1,36 минг километр сув қувурлари тармоғи қурилди. Умуман сертификатли уй-жой қурилишига лимитли маблағ ётқизиш 105 фоиз бажарилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръати ошди. Мажмуага қарашли корхоналар ва ташкилотларда йил бошиданоқ тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш юзасидан мунтазам ишлар олиб борилди.

Шу билан бир вақтда статистика маълумотларини таҳлил қилиш мактаблар, қишлоқ даволаш пунктлари, касалхоналарни қуриш бу йил қурувчиларнинг "ожиз жойи" бўлиб қолганини кўрсатмоқда. Хусусан, истиқбол кўрсаткичлари касалхоналарни ишга тушириш бўйича атиги 23,1 фоиз, поликлиникалар бўйича – 45 фоиз ва мактаблар бўйича 47 фоиз бажарилди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар аниқ дастурда кўзда тутилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш ҳам таъминланмади. Умуман, республика бўйича уларни ишга тушириш топшириқларининг ярмидан сал кўпроғи бажарилди.

Давлат инвестиция дастури ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган даржада секинлик билан амалга оширилмоқда. Бу дастурга киритилган етмиш иншоот қурилиши шу кунгача бошланган эмас. Умуман мазкур йилда истиқбол кўрсаткичларида кўзда тутилган капитал маблағларнинг атиги 54,2 фоизи ўзлаштирилди. Айни пайтда бир қанча вазирликлар ва идоралар бўйича бундай маблағни ўзлаштириш суръати 10 фоизга ҳам етмайди.

Мажлисда мажмуа корхоналари ва ташкилотлари ишида йўл қўйилган камчиликларнинг аниқ сабаблари айтилди. Уларни бартараф этиш учун раҳбарлар ўз мансаб вазифаларини бажаришда қатъият кўрсатишлари, айни пайтда аввало иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни эътиборга олишлари зарурлиги таъкидланди.

Бу йилга белгиланган кўрсаткичлар тўла бажарилиши учун барча имкониятларни сафарбар қилиш билан бир вақтда республика қурилиш ташкилотларини қайта ташкил этиш ишларини давом эттириш зарурлиги айтилди. Бу эса уларнинг фаолиятини янада яхшилаш учун зарурдир.

(ЎзА).

«ҲУҚУҚИМНИ БИЛИБ ОЛДИМ, БУРЧИМНИ ҲАМ»

«Аввалари сайловларда қатнашиб, овоз бериб юрган опа-акаларимга ҳавас билан қарардим. Мана, ёшим етиб, ўзим ҳам шу ваколатга эга бўлдим. Бунинг ўзига яраша масъулияти борлигини яхши биламан. Шунинг учун тунов куни ҳудудимиздаги округ сайлов комиссиясига кириб, ҳуқуқ ва бурчимни яна бир карра ўқиб-ўргандим. Комиссия аъзолари ҳам кўп нарсани тушунтиришди. Шу куни муносиб номзодга овоз бериш билан мамлакатни бошқариш ишида қатнашишимни янада теранроқ англадим».

Бу Наманган шаҳрининг Нодира кўчасида истиқомат қилувчи 18 ёшли фуқаро Сайёра Мирзабоеванинг сўзлари. Сайловларда биринчи марта қатнашаётган Сайёра ва унинг тенгдошлари Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 92-Сардоба округи ҳамда унинг участка комиссияларига ташриф буюриб, муҳим сиёсий тадбир тўғрисидаги тушунчаларини бойитмоқдалар.

Мазкур сайлов комиссиясида бўлажак сайловларга тайёргарлик анча пухта ташкил этилмоқда. Унинг хонаси жиҳозланиб, зарур қонун ҳужжатлари ва адабиётлар, вақтли матбуот нашрлари билан таъминланган. Участкалар манзилини аниқлаш, комиссиялар таркибини тасдиқлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Айни пайтда сайловчиларни рўйхатга олиш юмушлари қизғин олиб бориляпти.

— Бу галги сайловларда номзод кўрсатувчи сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари қаторига фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг ҳам қўшилганлиги жамиятимизда сиёсий ислоҳотлар тобора чуқурлашаётганидан далолат, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Ҳакимжон Зоҳидов. Бу янгилик ўз навбатида муҳим сиёсий тадбирни ўтказишга масъул бўлган сайлов комиссиялари зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Белгиланган қонунлар асосида биринчи бўлиб округимиздан номзод кўрсатган «Даштбоғ» маҳалласидаги ташаббускор гуруҳнинг ҳужжатларини бажонидил қабул қилиб олдик. Уни ҳар тарафлама ўрганиб, тегишли гувоҳнома бердик. Бу ҳали бошланиши. Бугун-эрта барча номзодлар рўйхатга олингач, ҳақиқий фаолият тағин ҳам қизийди. Аммо, қийинчиликлардан чўчимаймиз. Кўриб турибсиз, ҳуқуқий ҳужжатларимиз етарли. Комиссия аъзоларининг ҳаммаси қонунларни пухта биладиган одамлар. Ҳузуримизга келган ҳар бир фуқаро саволига жавоб ола билади.

— Демак, ҳамма нарса аниқ ва тушунарли, чигал масалаларнинг ўзи йўқ, денг...

— Йўғе, унчалик эмас, айрим масалаларда аниқлик киритишга тўғри келяпти, — давом этади Ҳакимжон. — Яқинда яна бир ташаббускор гуруҳ томонидан номзоди кўрсатилган фуқаро ҳужжатларни кўтариб, рўйхатга олишимизни сўраб келди. Қоғозлар билан танишиб чиқдик. Қарасак, у округимиз таркибига кирмайдиган маҳаллада яшар экан. Ташаббускор гуруҳ ҳам ўша ердан. Ҳужжатларини янгилаб, тегишли округга топширишни маслаҳат бердик. Айтишларича, уни тавсия этган гуруҳ йиғилишида шаҳар ҳокимлигининг вакили ҳам қатнашган экан. Қаранг, вакилнинг озгина бефарқлиги қанча оворагарчиликларни келтириб чиқарди.

Комиссия раисининг таъкидлашича, ташаббускор гуруҳ тузиш, номзодлар кўрсатиш, улар тарғиботи, учрашувлар уюштириш борасида ана шундай тушунмовчиликлар содир бўлмаслиги учун иш асосан маҳаллаларга кўчирилмоқда. Сайлов участкалари қошида тузилган тарғибот гуруҳлари мавжуд қонун-қоидаларни икир-чикирларигача тушунтиришяпти.

Сайловлар арафасида мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш республика маркази тузилганлиги, айтиш мумкинки, айни муддао бўлди. Яқинда бу марказнинг Намангандаги бўлими ҳам ўз фаолиятини бошлаб юборди. Округ ва участка сайлов комиссиялари ушбу ноҳукумат ташкилотининг ишончли ёрдамчи бўлишига умид кўзи билан қарамоқдалар.

— Демократик сайловларга анча тушуниб қолдик, — дейди сайловчи Рашидахон Ҳошимова. — Энди кимга овоз беришни яхши биламиз. Мансабига ишониб, қоп-қоп ваъдалар бериш билан депутат бўлишни орзу қилган одам адашади. Бу сафар овознинг кўпини олишга халқ учун қайғуриб, мамлакат қонун чиқарувчи органида дадил сўзини айтадиган кишигина муваффақ бўлади.

Сайловчи тўғри айтди. Чиндан ҳам бўлажак сайловларнинг халқаро андозаларга мос демократик руҳда ўтишига кафолат етарли. Бу жаҳондаги тараққий топган давлатлар тажрибаси асосида яратилган пухта қонунлар ва уларни чуқур ўрганиб, ҳаётга татбиқ этаётган халқимизнинг сиёсий етуклигидир. Округ ва участка комиссияларида олиб борилаётган тиғиз фаолият эса сайловолди тадбирларини қонуний асосда ташкил этишнинг ишончли воситаси бўлиб қолади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва маҳаллий журналистлар учун матбуот анжумани бўлди. Учрашув оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг фаолиятини кучайтириш юзасидан 1999 йилги Дастурининг бажарилиши ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга бағишланди.

Матбуот анжуманида Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Гуломова Ўзбекистон саккиз йилдан буён мустақиллик ва бозор муносабатларини ривожлантириш йўлидан бораётганини, айни пайтда фуқароларни, айниқса, хотин-қизларни кучли ижтимоий муҳофаза қилиш республикамиз сиёсатининг асосий йўналиши эканини таъкидлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий сиёсатда ҳам хотин-қизлар муаммоси алоҳида ўрин тутади. Бу сиёсат хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиладаги мавқеини ўзгартиришни кўзда тутади. Улар ёш авлодни тарбиялашда алоҳида ўринда тутадилар, жамият фаолиятининг барча соҳаларида иштирок этмоқдалар, айни шу боисдан хотин-қизларнинг интеллектуал даражасини ошириш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Матбуот анжуманида хотин-қизларнинг манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан қабул қилинган халқаро ҳуқуқий меъёрлар, давлат қонунларини амалга ошириш устидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш, барча даражадаги бошқарув тузилмаларида хотин-қизларнинг мавқеини кўтариш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароит яратиш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини ошириш масалаларида давлат дастурини бажариш юзасидан кўрилган аниқ чора-тадбирлар ҳақида батафсил гапирилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

З.УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Кеча дунёдаги илмий-техника тизими жамоатчилиги Бутун жаҳон стандартлар кунини нишонлади. Шу куни Курраи заминда «Стандартлар кундалик турмушда» шиори остида инсон фаолиятининг барча жабҳаларида бу соҳада эришилган ютуқлар кўриги бўлиб ўтди.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ – ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР ИШОНЧИГА КАФОЛАТ

Бугунги кунда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО) томонидан 14 мингдан зиёд стандартлар қабул қилинган бўлиб, улар турли мамлакатларнинг саноатида изчил қўлланилмоқда. Хусусан, машинасозлик ва асбобсозлик, металлургия ва кимё, транспорт ва алоқа, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот технологияси, савдо ва бошқа соҳаларда стандартлаштириш масалалари қатъий белгиланган мезонлар доирасида ҳал қилинаётир.

Дарвоқе, стандартлаштириш нима дегани? Бу ҳар бир мамлакат саноатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва рақобатбардошлигининг асосий белгисидир. Бунга риоя қилинса, аввало, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи, молмулки, хатто атроф-муҳит хавфсизлиги таъминланади, қолаверса, давлатлараро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик борасидаги тўсиқлар бартараф этилиб, хорижий шерикларнинг ишончига кафолат яратилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ИСО доирасида муайян давлат манфаатини кўзлаш ҳуқуқига фақат Стандартлаштириш бўйича миллий идорагина эга. Бизда худди шундай ташкилот «Ўздавстандарт» ҳисобланади. У 1994 йилдан ИСО аъзосидир.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, шу ҳужжат асосида 10 та техникавий ва 9 та стандартлаштиришга оид ташкилотлар тузилиб, улар томонидан давлат тилида 13 атама бўйича стандарт тайёрланди, маҳсулотларга 667 та давлат стандарти ва 2244 та техникавий шартлар ишлаб чиқилди.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти – Бутун жаҳон савдо ташкилотининг стратегик шеригидир. Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлишини эса далатимизнинг БЖСТга кириши йўлида қўйилган дастлабки қадам, деб баҳоламоқ керак. Шу мақсадда эса айни кунларда бу борадаги тайёргарлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимиз маҳсулотлари (хизматлари)ни дунё стандартлари талаблари даражасига кўтариш иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Бутун жаҳон стандартлар куни муносабати билан 14 октябрда Тошкентда ИСО шафелигида «Стандартлаштириш – маҳсулот сифатини таъминлаш асоси» мавзуида республика семинари бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари бу соҳада тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашдилар, келгусида амалга ошириладиган долзарб вазифаларни белгилаб олиб, республикамизда ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари кўргазмаси билан танишдилар.

И. ЎТБОСАРОВ.

МИЛЛАТНИ ДЎСТЛИК ТАНИТАДИ

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида "Миллатлараро ва конфессияларо ҳамжиҳатлик – тараққиёт омили" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда миллий-этник ва конфессионал, миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашнинг асосий тамойиллари масалалари муҳокама этилди.

Кенгашда вилоятда ҳозирги кунда кўплаб миллат вакиллари тинч-тотув ва аҳилликда яшаб меҳнат қилаётганликлари, улар миллати, ижтимоий аҳволи, тили, динидан қатъий назар Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқлардан тенг фойдаланаётгани таъкидланди.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Гуломова бошқарган ушбу йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг жорий йил тўққиз ойи фаолияти натижалари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қандай бажарилаётгани муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш мажмуи котибиятининг мудири Т.Норбоева кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилди. Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Навоий вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари раислари ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда жамиятда оила манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи зикр этилган қарорини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, ҳарбий қисмларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, Ватан олдидаги ўз хизмат бурчини бажараётган аскарларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, шунингдек, жойларда ўтказилаётган тўй-хашамлар ва бошқа оилавий тадбирларни тартибга солиш каби масалаларга жиддий эътибор берилди. Хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтириш мақсадида минтақавий семинарлар ўтказилди. Оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида хотин-қизларни ишга жойлаштириш, уларни касбга ўргатиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ишлари кучайтирилди.

Шунингдек, Аёллар манфаатларини таъминлаш борасида қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларнинг изчил бажарилишига эришиш борасида талайгина ишлар бажарилди. Республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида ташкил этилган маслаҳатлашув кенгаши, унинг жойлардаги гуруҳлари томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган давлат қонунлари, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилишининг ўрганилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга белгиланган барча вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, ҳар бир туман, маҳаллада эҳтиёжманд аёлларга ҳар томонлама ёрдам уюштириш, рўйхатини тузиш, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлганларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш масалалари билан жиддий шуғулланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

(ЎзА).

САРА УРУҒЛИК ТАЙЁР

Жиззах вилояти деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Миришкорлар қабул пунктларига 17 минг тонна сара уруғлик пахта топширдилар.

Лабзи ҳалол пахтакорлар меҳнати туфайли мавсум бошидан буён 150 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси йиғиштириб олинди. Техникадан унумли фойдаланган пахтакорлар кунлик ўсишда яхши натижаларга эришаётирлар.

МАРҲАМАТЛИКЛАР МАРРАДА

Марҳамат тумани деҳқонлари пахта топшириш йиллик режасини бажардилар. 20500 тонналик улкан хирмонга «Пахтакор», Тожибоев номли, Мирзаев номли жамоа хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар.

Туманда режага қўшимча 4 минг 100 тонна пахта топшириш учун ҳаракат давом этаяпти.

Ўз мухбиримиз.

ВАЪДАГА ВАФО

Навоий номли ширкат хўжалигининг ваъдасига вафодор пахтакорлари зафар қучдилар. Бекобод туманида биринчи бўлиб галаба маррасини эгаллаган миришкор деҳқонлар қабул пунктларига 2900 тонна саноат хомашёси етказиб беришди. Гектарлар ҳосилдорлиги 30 центнерни ташкил этди.

Бу йилги мавсумда хўжаликда кўпминг килограмчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Юзлаб оилалар бу сафарбарликда фаол қатнашмоқдалар. Навоийликларнинг аҳди – 3300 тонналик маррани забт этиш.

Т. УСМОНОВ.



Ёзувчилар пахта далаларида

Режа биринчи теримдаёқ уддаланди

Чиноз марказига боргунча катта йўлнинг икки томонидаги пахтазордан кўз узмадим. Чинозликлар теримнинг америкача усулини қўллабдилар, яъни пахтани роса очилтириб, бир теримдаёқ маррага етишни кўзлаб иш тутибдилар. Мен бу усулнинг яхши куртакларини «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида кўрдим.

Бу хўжалик Чинознинг йирик пахтакор хўжаликларидан бўлиб, 2120 тонна пахта топширишга шартнома тузган. Баҳор ва ёздаги табиат инжиқликлари хўжалик деҳқонларини анча шошириб қўйса-да, саросимага тушира олмади. Раис Эргаш Жентелиев кўпни кўрган, ишбилармон ва тадбиркор раҳбар бўлгани учун бу қийин вазиятлардан усталик билан чиқа олди. Барча пудратчилар, бригадалар аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва астойдил иш тутдилар. Ниҳоят, пахталар чаман очилди, аммо Жентелиев теримни бошлашга шошилмади. Сентябрнинг охирги хафтасида у далаларни охирги марта айланиб чиққач, «Мана энди теримни бошласак бўлади!» – деди.

Эртасига барча жабҳада, яъни қўл теримида ҳам, машина теримида ҳам бирдай иш бошланди, пахта қийғос очилгани учун, терим суръати ҳам сезиларли бўлди. Айрим бригадаларда оилавий пудратчилар пахтачиликда ҳали кўрилмаган кўрсаткичларга эришди. Жамоа хўжалиги бўйича эса кунига 6-7 фоиздан пахта топширила бошланди.

— Кеча учинчи бригада йиллик шартномасининг 27,03 фоизи миқдорида пахта топшириб, режани ортиғи билан бажарди. Шу куни иккинчи бригадада 14,34 фоиз, саккизинчи бригадада 15 фоиз миқдорида пахта топширилди.

— Жамоа хўжалигида эса йиллик режанинг 7 фоизидан зиёд пахта сотилди, — деди раис ва қўшимча қилди: — Суръат сира пасаймайди. Уч кундан кейин шартномамиз, кейин мажбурият бажарилади!

Пахтачиликдаги бу йилги суръатнинг сабабларини сўрасам, хўжалик раҳбари «Деҳқонларнинг дунёқараши ўзгарди, шахсий манфаатдорлик уларнинг онгини оширди», деб жавоб қилди. Бу ҳақиқатни теримчиларга ҳар беш кунда нақд пул тўланаётганидан ҳам кўриш мумкин эди. Пудратчи аёл Унсиной Шерматова мавсум бошидан бери қўлда 13748 килограмм пахта териб, жами 109 минг сўм нақд пул олибди.

— Шу туфайли қорним тўқ, рўзғорим бут — мен ишламай ким ишласин? — дейди Унсиной мамнунлик билан.

Ҳақиқатан ҳам, бир деҳқон аёлнинг кузнинг ярим ойи ичида салкам бир юз ўн минг сўм пул ишлашини пахтачилик тарихи қачон кўрибди?! Унинг издошлари ҳам анчагина. Масалан, Залоҳор Иброҳимова қўлда терган 12386 килограмм пахтаси учун 99 минг 88 сўм олди. Мукаррам Тўхтасинованинг чинак пули 88 минг 450 сўмга етди. Қўлларида жарақ-жарақ пул ўйнаб қолган деҳқон қизлар ўзларига ярашуқли кийим-кечак, ҳатто келинлик сепларини сотиб олмоқдалар. Бозорга бориб ўтирмайдилар — дўконлар пахтакорларга хизмат қилиш учун далаларга қўчиб чиққан.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида терим суръатини кучайтиришда, албатта, машиналарнинг ҳиссаси катта. Хўжалик ихтиёридаги 3 та «Кейс», 3 та «Х-4»агрегати билан кунига юз тоннага яқин пахта терилмоқда.

«Кейс» туфайли пахтачиликдаги ҳамма юмушни келажакда машина зиммасига юклаш учун йўл очилди, — дейди раис. — Икки мингчи йил пахтасини бир теришда йиғиб олиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўраяпмиз. Чунки пахтачилик тадбиркорлик, тежамкорлик билан иш юритишни талаб этади. Пахта биринчи теримдаёқ йиғиб-териб олинса, ҳаражат камайиб, таннарх пасаяди, даромад кўпаяди, пахтачилик чин маънодаги асосий бойлигимизга айланади».

Оқсоқоллар даъвати

Туманда пахта теримини бошланишидан аввал Яллама қишлоғи меҳнат фахрийлари Абдураҳмон Ҳусанов, Эрмат Файзиев, Раҳмонберди Тошевлар туманнинг ҳамма аҳолисини ҳашарга чорлаб, ўзлари ҳам далага чиқишганди.

Оқсоқоллар чақириғига жавобан юзлаб чинозликлар ҳашарга чиқишди.Улар дастлабки кунданоқ «кимўзди»га пахта терган бўлсалар, бригадалар орасида эса, ҳосилни 20 кунда йиғиб — териб олиш ҳаракати бошланди. Шу тариқа «Эшонобод» жамоа хўжалигининг Ўринбой Абдулаҳатов бошлиқ бригадаси туманда биринчи бўлиб маррага етди. Бригадалар кетидан жамоа хўжаликлари ҳам шартнома кўрсаткичларини шу қисқа муддатда бажара бошладилар. Масалан, «Эшонобод» хўжалиги 1180 тонна пахта топшириб, режани 113 фоиз қилиб бажарган бўлсада, биз Чинозга борган куни бу хўжаликда икки ярим фоиз миқдорида ҳосил сотилибди. Яна 20 фоиз миқдорида пахта сотиш учун кураш бораётганини айтишди. Шунингдек режасини аллақачон уддалаган «Чиноз», Амир Темур, Собир Раҳимов номли жамоа хўжаликларида ҳам шартномага қўшимча пахта теришмоқда.

Ниҳоят, туман пахтакорлари ҳам йиллик режани бажардилар, аммо пахта мўл. Шу кунларда тумандаги барча аҳоли пахта теримга сафарбар этилган. Ҳозиргача ҳам Чиноз пахтаси қимматбаҳо нархда биринчи навга сотилмоқдаки, бу туман пахтакорларининг белини бақувват, дастини узун қилади, келажакка дадил қадам қўйишлари учун замин ҳозирлайди.

Бундай сафарбарлик, терим суръатини Тошкент вилоятининг Янгийўл, Оққўрғон, Пискент туманларида ҳам кўриш мумкин. Бу туманлар кунига 4,5 фоиздан ошириб пахта сотмоқдалар, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилинса қандай натижаларга эришиш мумкинлигини амалда кўрсатмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: чинозлик илғор теримчилар Асалой ҚУЙЧИБЕКОВА, Алтиной БУРТЕБОЕВА ва механизатор Султон АҚБАЕВ.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДОВОНЛАР ОРТИДАГИ СУРУР

Бу йил пахта ҳосили осонлик билан етиштирилмади, баҳорнинг инжиқлиги, ёзнинг бесаранжом келиши, куз бошида бевақт совуқ тушиб, ёмғир ёғиб ўтиши ҳаммамизни ташвишга солди. Хайриятки, ҳаво очилиб, пахта терими изига тушиб кетди. Аввал пудратчилар, унинг кетидан ширкатлар, ҳатто туманлар маррага ета бошладилар. Тошкент вилояти деҳқонлари кунига 4-5 фоиздан пахта топшираётгани, бунда айниқса, чинозлик пахтакорларнинг қарвонбошилик қилишаётгани мени пойтахт вилояти пахтапарварлари ҳузурига чорлади.

Таажжуб

НЕЪМАТЛАР КОНИ

Аммо Сурхондарё вилояти тоғ-ўрмон хўжалигида бу бойлик сандиғи қулфлоғлигича қолаётгани хусусида

Шўрчи туманидаги «Боботоғ» ўрмон хўжалигида бу йил ҳосилга ўтирган ҳар бир туп писта дарахтидан... 04 граммдан ҳосил олинди.

Бу гапни энди ёйиқ қилиб изоҳласак: хўжаликнинг ҳудуди — 78 минг гектар. Шу ҳудуднинг учдан бир фоизи — 24 минг гектари — пистазор. Бу майдонлардаги ҳосил берадиган писта дарахтлари бир миллион 466 минг туп. Боботоғликлар бу йил 6 тоннача писта мевасини йиғиштириб олишди. Кўриб турибсизки, бир туп дарахтдан 0,4 граммдан мева олинди, деб юқорида айтиб ўтган гапимизнинг ёлғони йўқ.

Тоғда ўсадиган зироатлар илмидан унча-мунча хабардор одам, бир туп писта дарахти (ёввойи ҳолда ўсгани) ўртача 10-15 килограммдан ҳосил бермоғи керак. 0,4 грамм... Гап бўптими, шуям, деб эътироз кўрсатишимиз мумкин.

Биз бўлса, аксинча, хўжалик бу йил анча-мунча писта йиғиштириб олибдими, бу мақтовга сазовор иш бўлибди, деб баҳолаймиз. Ўтган 1998 йилда ахир шуям бўлмаганди-да. Умуман, бултур хўжалик омбори писта кўрмаганди. Ваҳоланки, 1998 йилда ҳам писта дарахтлари гуллагандай, ҳосил туккандай ва табиийки, Шўрчининг ва Деновнинг бозорларидаги писта расталари фаровон бўлганига қараб айтадиган бўлсак, яхшигина ҳосил ҳам бергандай бўлувди.

Писта, биласиз, энг қимматбаҳо, 1 килограмм хандон пистанинг бозорлардаги нархи 2 минг сўмгача бор. Айтмоқчимизки, хўжалик аъзолари ҳисоб-китобни жойига қўйиб, савдо-сотиқ қилсалар, шу 6 тонна ҳосилдан ҳам бинойидай даромад кўришлари турган гап.

Боботоғ ўрмончилари ишларининг яна бир мақтовга лойиқ жиҳати бор: Сурхондарёда бешта ўрмон хўжалиги бўлса, шуларнинг ичида фақат боботоғликлар писта етиштириш билан шуғулланадилар ва даромад олишда ҳам бошқалардан пешқадамроқ турадилар. Масалан, ўтган йили хўжалик ҳисобидан 1,5 миллион сўм соф даромад олишгани йўқ. Бошқарма бош ҳисобчиси Авлиёқул Раҳимқулов бир суҳбатда ўрмон хўжалиги ерларида супурги, Бойсунда бўлса картошка яхши ўсаётганини, доривор зироатлар йиғиштириб олиш яхши ташкил этилаётганини гапириб қолди. Шу суҳбатда у бошқарма бўйича 1999 йилда 163 гектардаги ғалладан 92 тонна буғдой ҳосили олганларини ҳам эслатиб ўтди. Кўриб турганингиздек, ўрмончиларнинг ғалласи ҳам пистаси сингари камтарингина ҳосил берган.

Лекин ҳар не гапдан яхшилик ахтармоқ одати кўл келиб, бош ҳисобчининг суҳбатидан бошқарманинг айрим хўжаликларида мойжувозлар қурилганини, дурадгорлик цехларини ишга туширмоқ мўлжалда борлигини, саноатбоп ёғоч берадиган дарахтлар ўстирилаётганини илғаб қолдим. Ана бу бошқа гап. Узун, Бойсун, Шеробод ўрмонларида писта дарахти ўсмайди, дейишади. Бу тўғри гапдир. Лекин картошка, супурги етиштирилган шароитда зиғир ёки кунжут ўсмайди, деб ким айта олади? Кўнгилларига олишмасину сурхондарёлик ўрмончилар Газарак қишлоғи (Сариосиё) фуқароси, тоғ ён-бағирларида 100 гектарча лалми олмазор яратган Носир Тўрақулов деган боғбоннинг хайрли ишларидан ҳамон ўрнак олмаяптилар.

Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимидаги бошқа ўрмон хўжаликлари одамлари ҳам бекор ўтиришди. Хўжалик раҳбари Мамаюсуф Ҳайдаровнинг тахминича, бу йил даромад қарийб 25 фоизга оширилиши кутилмоқда экан.

Сурхондарё ҳудудининг 15 фоизи — 324 минг гектари — ўрмон. Ёки ўрмон хўжалигига қарашли ерлар. Ўрмон хўжалиги бошқармасининг хўжалик ҳисобидан олаётган даромади эса 10 миллион сўмдан ошиб-ошмай қолаяпти. Ҳудуднинг катталигига ва биз эслатиб ўтаётган мулоҳазаларга нисбат бериб айтадиган бўлсак, бу даромад — кам.

Ўрмон — хазина. Етти хазинанинг бири. Ўрмончиларнинг сўзига ишонадиган бўлсак, бу хазина Сурхондарёда яхши қўриқланаяпти. Бироқ ўрмон шундай хазинаки, бу хазина сандиғига фақат қулф уриб ўтираверишь ишга бир томонлама ёндошишнинг ўзидир. Айтмоқчимизки, цех ва жувоз қуриб бошлаган ўрмончилар режани бажариш, хазинани янада обод қилиш, бойитиш, имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш ва ҳар бир туп писта дарахтидан ҳеч бўлмаганда, 100 граммдан ҳосил олишга қаратиб ишлайдилар.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛТИ МИЛЛИАРДГА ЕТДИК

1999 йилнинг 12 октябрида сайёрамизнинг олти миллиардинчи фуқароси дунёга келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти статистика департаментининг ҳисоб-китобларига мувофиқ айнан шу куни Ер аҳолиси 6 миллиардга етди. Ҳар дақиқала турли мамлакатларда чақалоқлар оламга келиши назарда тутилса, Ер юзидаги аҳоли нуфусининг еттинчи миллиардини ким бошлаб берганини аниқлашнинг имкони йўқ. БМТ ҳар бир мамлакатта ўша куни дунёга келган болалардан бирини «олти миллиардинчи» деб танлаш ҳуқуқини берди. Ўзбекистонда бу фахрий ҳуқуқни эр-хотин Одиловлар фарзанди — Тошкент шаҳридаги саккизинчи туғруқхона мажмуида роппа-роса соат 8 да дунёга келган қизалоқ қўлга киритди. Бахтли ота-онани кутлаб дўсту қариндошлар, БМТ аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари Алишер Навоий номидаги катта академик театр биносига йиғилишди. Қувончли воқеа муносабати билан Ўзбекистоннинг таниқли санъаткорлари иштирокида санъат байрами ташкил этилди.

— Бу умумбашарият микёсида бўлгани каби, ҳар бир мамлакат учун ҳам рамзий ва қувончли воқеадир, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига БМТ аҳолишунослик Жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Сергей Волков. — Қизалоқ дастлабки кунларданоқ гўзаллик ва қулайликка ҳамнафас бўлиши учун чақалоққа зарур бўлган барча анжомларни олишга ҳаракат қилдик — гарчи у ҳали миттигина бўлса ҳам (оғирлиги 3 килограмму 600 грамм, бўйи 55 сантиметр) кунимизнинг қаҳрамонига айланиб улгурди. Истардимки, шу куни дунёга келган барча чақалоқлар ва умуман жамики болаларимиз ҳам бошқалар қатори тинч осмон остида яшасин, бахтли бўлсин. Зеро, шунга ўхшаш ҳар бир воқеа бизлар битта сайёра фуқаролари эканлигимизни, бизлар кўп бўлсакда, аммо Коинот миқёсида озчилик эканимизни. шундай экан, ягона ва бетакрор дунёмизни кўз қорачигимиздай асрашимиз лозимлигини эслатиб туради.

«Туркистон-пресс».

ОЛАМГА БИР НИГОҲ

Нима? Қачон? Қаерда?

ПОКИСТОНДА ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ

Ўтган сешанба куни генерал Парвоз Мушарраф раҳбарлигида Покистон ҳарбийлари мамлакатда ҳокимиятни қўлга олди. Ҳозирги пайтда барча давлат муассасалари, телевидение, радио, аэропорт каби муҳим иншоотлар ҳарбийлар томонидан тўла назорат қилинмоқда. Пойтахт ва мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларига ҳарбийлар кириб келганидан сўнг ҳукумат таркиби тўла истеъфога чиқди.

Генерал Мушарраф шу йилнинг июл ойида армия ва ҳукумат ўртасида юз берган кескин вазият туфайли Бош вазир Навоз Шариф буйруғига биноан истеъфога чиқарилган эди. Хориж матбуоти хабарларига қараганда, мамлакатдаги ҳарбий тўнтаришга ҳам айнан Парвоз Мушаррафнинг ўз вазифасидан кутилмаганда четлатилгани сабаб бўлган. Негаки у мамлакат ҳарбий доиралари орасида катта обрўга эга. Бундан ташқари, Покистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳарбий можаро чиққанида Покистон қўшинлари Навоз Шариф буйруғига асосан Жимму ва Кашмирдан олиб чиқиб кетилганида ҳам ҳарбийлар орасида норозиликлар келиб чиққан.

Парвоз Мушарраф телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, мамлакатда сиёсий вазият кескинлашиб кетгани, бошқарув тизими издан чиққани, бунга Навоз Шариф раҳбарлик қилаётган ҳукумат айбдор эканлигини айтди. У яна Покистонда вазият барқарорлигини ва ҳарбийлар томонидан тўла назорат қилиб турилганлигини таъкидлади. Покистонда рўй берган бу вазият Жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Қўшни Ҳиндистон ҳукумати Покистондаги ҳарбий тўнтариш муносабати билан қуролли кучларини тўла тайёргарлик даражасига келтирди. Россия, Хитой, Австралия, Канада ва бошқа қатор мамлакатлар бу воқеага ўз муносабатларини билдирдилар. Америка Қўшма Штатлари Покистонда тез орада демократия тантана қилишига умид билдирди. Европа Иттифоқи Покистон ҳарбийлари фаолиятини кескин қоралади. Озодлик радиоси маълумотига кўра, афғонистонлик толибонлар: «Бу можаролар Покистоннинг ички иши», дейишмоқда.

Нима бўлганда ҳам Покистонда рўй берган ҳарбий тўнтаришни дунёнинг бир қатор мамлакатлари, халқаро ташкилотлар кескин қораламоқда. Улар мамлакатда юзага келган барча муаммоларни тинч йўл билан тезроқ ҳал этиш лозимлигини таъкилашаётир. Зеро, энг тўғри йўл ҳам шу. Ҳолбуки, турли қарашлар, зиддиятлар, ҳар хил кучлар ўртасидаги келишмовчилик ва низолардан оддий халқ асло азият чекмаслиги лозим.

Словакия тарихий обидаси.

КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Фаластин ва Исроил вакиллари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ҳамда Ғазо секторини бир-бирига боғловчи «хавфсизлик йўлаги» очиш муддатини келишиб олди. Фаластин томони маълумотига қараганда, келишувга кўра Исроил ҳудудидан ўтувчи 44 километрли ушбу йўлак 17 октябр куни фойдаланишга топширилади.

ҚУРБОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Анголада номаълум касаллик туфайли юздан зиёд киши дунёдан кўз юмди. ПАНА ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳозирча аниқланмаган ушбу касаллик Бенгел вилоятининг Кубал шаҳридан 64 километр узоқликдаги Ямбала қишлоғида тарқалган. Бу дардга йўлиққанлар узоғи билан беш соат яшамоқда.

Ямбала қишлоғида ҳар куни 10 нафарга одам ўлаяпти. Касаллик тез тарқалиши ва қурбонлар кўпайишига бу ҳудудда шифокорлар ва дори-дармоннинг деярли йўқлиги ҳам сабаб бўлаётир.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Абхазияда БМТ ҳарбий кузатувчиларини гаровга олган террорчилар улар учун икки юз минг АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб қилмоқда.

* * *

Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев парламентнинг қўшма мажлисида янги ҳукумат таркибини эълон қилди.

* * *

Нидерландиянинг Ноордвейк шаҳрида ракета технологияларини назорат қилиш ташкилотининг навбатдаги мажлиси бошланди.

* * *

Буюк Британия ҳукумати Покистон армиясининг конституцияга зид равишдаги барча хатти-ҳаракатларини кескин қоралади.

* * *

АҚШ президенти Билл Клинтон Иордания подшоҳи Абдулла Иккинчи билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалалари юзасидан фикрлашди.

* * *

Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари Ливаннинг жанубий ҳудудларига ҳужум қилишда давом этмоқда.

* * *

Тайваннинг Хуалянь ва Наньтоу туманларида зилзила қайд этилди.

* * *

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Германияга ташриф буюрди.

«Жаҳон» А.А., хориж матбуоти ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.

ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 22 июл сонида «Шифохонада ётганда ишдан олишди» сарлавҳали таҳлилий мақола чоп этилган эди.

Мазкур масала бўйича яқинда таҳририят Навоий вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси жаноб И. Очиловдан жавоб мактуби олди. Унда айтилишича, текширишда Навоий вилоят СЭС бош врачининг қарори асосида «Эркин» кичик корхонасига қарашли мол бозори Зарафшон дарёси ҳимоя минтақасида жойлашганлиги сабабли унинг фаолияти тўхтатилган. «Эркин» кичик корхонасига қарашли мол ва машина бозорларини «Буюк Турон» ҳиссадорлик жамиятига ўтказиш тўғрисида Хатирчи туман ҳокимининг қарори чиқарилиб, унинг ижроси туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Янгирабод шаҳар ҳокими О. Шодиев зиммасига юклатилган. Афсуски мазкур қарор бажарилмаган, яъни «Эркин» кичик корхонасига қарашли мол ва машина бозори фаолияти тўхтатилмаган ҳамда «Буюк Турон» ҳиссадорлик жамияти ҳисобига ўтказилмаган.

«Буюк Турон» ҳиссадорлик жамиятининг кузатув кенгаши йиғилиши қарорига асосан жамият раиси Ш. Ёрқулов ўз вазифасидан озод этилиб, унинг ўрнига И. Тўрақулов тайинланган. Мазкур қарор ҳиссадорлик жамияти умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, тасдиқланган.

Текшириш натижасига кўра, туман прокурори томонидан Янгирабод шаҳар ҳокими О. Шодиев, «Буюк Турон» ҳиссадорлик жамияти раиси И. Тўрақулов, туман СЭС бош врачи И. Шукуров ва туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Н. Тоғаевларга нисбатан ижро интизомини бузиб, туман ҳокимининг қарорининг бажарилишини таъминламаганликлари учун мавжуд қонунга асосан уларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатилган. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Янгирабод шаҳар ҳокими О. Шодиев номига тақдимнома киритилди.

Янги китоблар

ДУРДОНАЛАР ХАЗИНАСИ

Шарқ матбаа концерни атоқли шарқшунос олим Шорасул Зуннуннинг «Дурдоналар хазинаси» номли рисоласини нашрдан чиқарди. Унда қадимий Шарқ донишмандлигининг ноёб намуналари мужассам этилган.

Шорасул Зуннун ўзига хос илм соҳиби эди. Унинг газета, журналларда босилган мақолалари, «Оз-оздан ўрганиб доно бўлур» сарлавҳали, қайта-қайта нашр этилган китоблари ҳалиҳали ёдимизда. У ўша тўпламларини ҳар сафар қайта нашрга тайёрлашда уни янги таржималар билан бойитарди. «Дурдоналар хазинаси»ни тайёрлашда ҳам ана шунга амал қилинган.

Жамиятимизда янгиланиш жараёни кетаётган, қадим тарихимиз қайтадан туғилаётган, миллий урф-одатларимиз, удумларимиз, маънавий, маърифий бойликларимиз кенг юзага чиқаётган бугунги кунда «Дурдоналар хазинаси»нинг аҳамияти беқиёс. Чунки унда келтирилган ҳикоятлар, масаллар, ҳикматлар, boboкалонларимиз панд-насиҳатлари, ибратли ҳикоялару қадимий латифалар барча давр ва замонларга мос келадиган маънавий меросдир.

Мазкур тўпламга муаллифнинг ҳаётлик чоғида ёзган ва маълум сабабларга кўра шу пайтгача ҳеч қаерда, эълон қилинмаган тасаввуф илми ҳақидаги каттагина илмий рисоласи ҳам киритилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур китоб ҳар бир китобхонни юксак ахлоқ-одоб, олийжаноблик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, ўзлигини янада чуқурроқ англашига хизмат қилади.

М. ҚОРИЕВ.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

6 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Курсларда **ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛИ** фанлари бўйича малакали ўқитувчилар чуқурлаштирилган дастурлар бўйича дарс олиб борадилар. Ўқишлар тест синовларига асосланган ҳолда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади ва 1996-1999 йилдаги тестларни ўз ичига олади.

Машғулотлар 1999 йил 1 ноябрда бошланади.

Машғулотларга қатнашишни истовчилар ҳар жума кунлари 9.00 дан 16.00 гача қуйидаги манзилда йиғилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 35-97-91 (кундузги), 23-02-35 (кечкурун ва дам олиш куни).

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уй.

«ЎЗМАШСАВДО» АЖ

Тошкентдаги омборхонасидан

ЗИЛ - 431410 (бортли),
ЗИЛ - 441510 (шатакчи),
ЗИЛ - 431610 (юк ташувчи),
ГАЗ - 5312 (ғилдиракли қисм, шасси)

АЦ - 3307 (ёқилғи ташувчи автомобилларни),

Автобус, 25 ўринли

ишлаб чиқарувчиларнинг нархларидан арзонроқ нархда сотади.

Сотилаётган автомобиллар ва автобусга ДАН бошқармасида рўйхатга қўйиш учун ҳисоб маълумотномаси (счет-справка) тақдим этилади.



Манзил: 700059, Тошкент ш., Усмон Носир 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, 53-83-04.

EXPO Italia 99

1999 йил 21-25 октябр

«ЭКСПО ИТАЛИЯ — 99» кўргазмаси

120 дан зиёд Италия фирмалари илк бор Ўзбекистонда намойиш этадилар:

- **Технология ва ускуналар:**
  - *-тўқимачилик саноати;*
  - *-кийим тикиш;*
  - *-тош, мармар, гранитга ишлов бериш;*
  - *-агросаноат сектори;*
  - *-озиқ-овқат саноати;*
  - *-ўраш ва қадоқлаш;*
  - *-хизмат кўрсатиш соҳалари учун.*
- **Қурилиш ва бошқа тармоқлар учун резина, ПВХ, алюминийдан тайёрланган маҳсулотлар.**
- **Уй-рўзғор буюмлари:**
  - *-мебель;*
  - *-тайёр кийимлар;*
  - *-сопол буюмлар;*
  - *-ошхона анжомлари;*
  - *-тилладан ясалган буюмлар.*

Ташкилотчилар: «Интерэкспо» компанияси ЎзР ТИАВ ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида.

Кўргазмага хуш келибсиз!

***Манзилимиз:* Тошкент ш., Амир Темир кўч., 107 «Ўзэкспомарказ» РСКМ, 1-павильон**

Иш вақти:
1999 й. 21.10. 11.00. дан 18.00. гача
1999 й. 25.10. 10.00. дан 18.00. гача

БОҚИЙ СЎЗ

Филология фанлари доктори, профессор Тўра МИРЗАЕВ билан суҳбат

— Ўтган ва ўтаётган ҳар бир кунимизда мамлакатимиз ва халқимизнинг туб манфаатларига алоқадор бирор воқеа содир бўлмоқда ёки тарихан муҳим бир қарор қабул қилинмоқда. Бу — мустақил ривожланишимиз самарасидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ҳам юртимизда содир бўлаётган салмоқли ўзгаришлар оқимида алоҳида ўрин тутадиган катта воқеа бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори қабул қилинганидан бери бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Аввало, айтинг-чи, қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда масъул шахслардан бири сифатида унинг аҳамиятини бугун қандай шарҳлаган бўлар эдингиз?

— Фольклоршунослигимиз тарихида биринчи марта бундай кенг кўламли қарор қабул қилинишининг аҳамиятини идрок этиш учун яқин ўтмишда содир бўлган биргина воқеага назар ташлаш кифоядир. Узоқ эмас, 1952 йилда «Алпомиш» достони қатағон қилиниб, уни ўқиш, у ҳақда ёзиш маън этилиб қўйилган, достон ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимлар қувғин остига олинган эди. Йиллар давомида бундай ғайриилмий, ғайриинсоний ҳаракатларнинг олдини олиш жуда оғирлик билан кечди. Ҳатто достоннинг тўла нашрини амалга ошириш имконияти ҳам бўлмади. Фақат юртимиз мустақил тараққиёт йўлига кирганидан кейингина бу борада кенг уфқлар очилди. Бунга яна шуни ҳам қўшиш керакки, халқ фахри бўлган бирор йирик асарнинг 1000 йиллигини ёки юбилей санасини умумхалқ байрами сифатида кенг миқёсда нишонлаш илгари ҳеч бўлмаган эди. «Ҳамса»нинг 500 йиллиги, «Кутадғу билиг»нинг 900 йиллиги, «Шоҳнома»нинг 1000 йиллиги шунчаки расмият учун ўтказилган эди, холос. «Манас»нинг 1000 йиллигини кенг нишонлаш имкониятига қирғиз дўстларимиз ҳам фақат ўз давлат мустақилликларига эришгандан кейингина муяссар бўлдилар.

«Алпомиш» достони ўзининг барча жиҳатлари билан жаҳоннинг «Илиада», «Одиссея», «Маҳобҳорат», «Рамаяна», «Шоҳнома», «Манас» каби буюк эпослари билан бир қаторда туради. Шунинг учун ҳам бизнинг бу достонга юз буришимиз, унинг яратилишини умумхалқ байрами сифатида нишонлашимиз ўзимизни жаҳоний тафаккурга мослаётганимиздан, жаҳон тараққиёти билан ҳамқадам ривожланаётганимиздан дарак беради.

«Алпомиш» достонини ҳар томонлама ўрганиш ўзлигимизни, ўз қудрат ва буюклигимизни теран англаш демакдир.

Бир қарашда, қарорда «Алпомиш» достонининг фақат 1000 йиллигини нишонлаш кўзда тутилгандек туюлиши мумкин. Аслида эса, шу билан бирга, унинг қамров доираси ғоятда кенгдир. Биргина «Ўзбек фольклори ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашр этиш зарурлиги масаласини олиб кўрайлик. Бу нима дегани? Яқин 20-25 йилга мўлжалланган илмий режа дегани эмасми? Қарорда «Алпомиш»нинг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланган» достон сифатида баҳоланганлиги уни янги йўналишларда, яъни фақат фольклористик-филологик жиҳатдагина эмас, балки кенг ижтимоий-фалсафий томондан ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этишга рағбатлантиради.

— Қарорда «Алпомиш» достонининг тўла, академик, танланма, хорижий тиллардаги нашрларини амалга ошириш, унинг сюжети ва мотивлари асосида театр спектакллари, адабий-бадиий композициялар, ҳужжатли, мультипликацион, бадиий, видео, телефильмлар яратиш, фольклор-этнографик кўргазмалар, замонавий дам олиш иншоотлари ва кичик спорт майдонларига эга бўлган «Алпомиш» богларини ташкил этиш, почта маркалари, открыткалар, конвертлар туркумини чиқариш, фольклор ансамбллари ижрочиларининг кўрик-танловларини, миллий спорт турларини қаратилган Алпомиш ўйинлари фестивалини ўтказиш каби турли-туман тадбирлар белгиланган эди. Бу тадбирларнинг аксарияти бажарилди ва бажарилмоқда. Газетхонларни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, мутахассис олимларнинг олиб бораётган ишлари қизиқтирмоқда. Шулар ҳақида батафсилроқ сўзласангиз?

— Чиндан ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Алпомиш» достонини ўрганиш ва нашр этишда янги босқични бошлаб берди. Ўтган йилнинг охирларида атоқли достончи Фозил Йўлдош ўғли варианти асосида достон ўзбек ва рус тилларида тўла равишда босилиб чиқди. Бунда маданиятимизнинг улкан корхонаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг меҳнатини алоҳида таъкидлаш зарур.

Фольклоршунослигимиз тарихида биринчи марта достоннинг академик нашри тайёрланди. «Фан» нашриётида чоп этилаётган 53 босма табоқ ҳажмидаги бу китоб яқин кунларда китобхонлар қўлига бориб етади. Достонинг Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Берди бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли вариантлари алоҳида-алоҳида китоблар сифатида нашр этилмоқда. Улкан достончи Саидмурод Паноҳ ўғли варианти «Ёдгор» достони билан биргаликда лотинча имлодаги яни ўзбек алифбосида нашрга тайёрланди. Шунингдек, достоннинг қорақалпоқ версиясининг Қиёс Жиров вариантидан парчалар нота ёзуви билан биргаликда китоб ҳолида чоп этилди. Профессор Файзулла Кароматли тайёрлаган бу хилдаги нашр фольклоршунослигимиз тарихида биринчи марта амалга оширилди. Шу кунларда «Алпомиш» — ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» номли тадқиқотлар тўплами, «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуидаги халқаро конференция маърузаларининг тезислари чоп этилмоқда.

— Демак, достоннинг юзага

1

чиқишида бахшилар билан бир қаторда олимларнинг ҳам катта хизмати бор. Шу муносабат билан «Алпомиш» достонининг халқ бахшиларидан ёзиб олиниши, унинг нашрлари ва илмий ўрганилиши тарихи тўғрисида гаплашсак...

— «Алпомиш» достони, унинг миллий версия ва вариантларини ёзиб олиш, нашр этиш ва ўрганиш тарихи ғоятда бой, зиддиятли, шу билан бирга анча самаралидир.

Атоқли ўзбек олими Ҳоди Зарифнинг аниқлашича, жонли оғзаки ижро шароитларида асрлар давомида қўйлаб келинаётган «Алпомиш» достони илмий доираларга 1890 йилдагина маълум бўлган. Рус шарқшуноси Е.Ф. Каль ўз кундалигида 1890 йилнинг октябрида Термиз шаҳри яқинидаги Солиҳобод қишлоғи ўзбек-қўнғирот уруғининг айнли аймоғига мансуб бахши Омонназардан достон тинглаганлигини, у уч соатга яқин тўхтовсиз дўмбирада куйлаганлигини ёзади.

«Алпомиш» достони ҳақидаги кейинги маълумот А. Диваевга тегишлидир. У 1896 йилда «Рус археология жамияти шарқ бўлими хабарномаси»да қозоқлар орасида «Алпамис ботир» достони мавжудлигини, Сирдарё вилояти Амударё бўлимининг бошлиғи генерал-майор К.И. Разгоновга тўрткўллик жиров Жиемурод Бекмуҳаммедовдан ёзиб олинган достон вариантини олганлигини хабар қилган эди. Достоннинг қорақалпоқ версиясининг асосан биринчи қисмидан иборат бўлган бу қўлёзмани у янглиш равишда қозоқ достони, деб ўйлаб, тилини ҳам бироз қозоқчага яқинлаштириб, рус тилига таржимаси билан биргаликда 1901 йилда Тошкентда нашр эттиради.

1-МУЛОҚОТ

Бизнинг назаримизда, XIX асрнинг охирида тўрткўллик қорақалпоқ жиров Жиемурод Бекмуҳаммедовдан ёзиб олинган нусха «Алпомиш» достони қорақалпоқ версиясининг бир варианти сифатида нашр этилиши ва ўрганилиши керак. Кейинроқ, яъни 1934, 1955, 1956, 1957, 1959 йилларда қорақалпоқ олимлари достоннинг яна етти вариантини ёзиб олганлар.

«Алпомиш» достонининг татар, бошқирд, олтой версиялари ҳам кейинги 50-60 йил давомида ёзиб олиниб, нашр этилиб, ҳар томонлама ўрганилиб келинмоқда.

Бу ўринда «Алпомиш» достонининг тожик вариантлари ва арабча эртак ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Чунки улар ўзбек достони сюжетининг ниҳоятда сиқиқлаштирилган ҳолда, баъзан бошқа сюжетлар билан аралаш-қуралаш тарзда, иккинчи бир тилда айтиб бериш асосида юзага келган оралиқ шакллар, кўпроқ эртакка яқин баённамалардир.

«Алпомиш» достони ўзбек версияси вариантларини ёзиб ола бошлаш ишлари 1922 йилдан бошланган. 1922 йилнинг ёзида биринчи ўзбек профессори Ғози Олим Юнусов Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида илмий сафарда бўлди. Сафар давомида ўзбек шевалари ва этнографиясига оид кўпгина материаллар тўплаш билан бир қаторда Хамроқул бахши ва Фозил Йўлдош ўғлидан достоннинг бир қисмини ёзиб олди. У «Туркистон» газетасининг 1922 йил 18 декабрь сонида ўз экспедицияси ҳақида «Ўзбекларда элтаниш иши» номли мақола эълон қилиб, «Алпомиш» достонини биринчи бўлиб «Одиссея» билан қиёс қилди ва унга юксак баҳо берди. «Билим ўчоғи» журналининг 1923 йилги сонларида эса, кичик бир сўз боши билан достондан парчалар эълон қилди. Ғози Олим қўлёзмаси бизгача етиб келмаган, 1937 йилда бу улкан олимнинг қатағон қилиниши муносабати билан унинг илмий мероси ҳам йўқотиб юборилган. Шу боис, илмий жиҳатданда аҳамиятли бўлган бу қўлёзма ҳақида тўла маълумот бериш имкониятига эга эмасмиз. Аммо журнал саҳифасида сақланиб қолган парчанинг ўзи ҳам жуда катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам 20-йилларда «Алпомиш» ҳақида мулоҳазалар асосан Ғози Олим Юнусов материаллари доирасида бўлди. Атоқли олим Фитрат 1928 йилда «Ўзбек адабиёти намуналари» тўпламида Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган парчани қайта нашр этди (30-40-бетлар).

«Алпомиш» достони тўла вариантларини ёзиб олиш ишлари 1926 йилдан бошлаб ташкил этилди. Бу ишга қишлоқларда бахшилар билан ёнма-ён яшаётган зиёлилар ҳам жалб қилинди. Натижада шу йили маҳаллий суд котиби Муҳаммадиса Эрназар ўғли Хатирчи тумани Қатағон қишлоғида яшовчи Пўлкан шоирдан достоннинг бир вариантини ёзиб олди. Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифнинг айтишича, достонни ёзиб олиш жараёнига Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам иштирок этган ва унинг айрим ўринларини ўз номидан ёзиб ҳам берган. Шунинг учун ҳам бу нусхани «Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианти» сифатида баҳолаш зарур.

Яна 1926 йили шоир Абдулла Авлий Пскент туман Эвалак қишлоқлик Берди бахшидан (Бердиёр Пиримқул ўғлидан) достоннинг бошқа бир вариантини ёзиб олди. Ундан бир парча 1928 йилда Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» хрестоматиясида (40-43-бетлар), каттагина қисми эса, 1935 йилда Миёнбузруқ Солиҳовнинг «Октябргача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти (фольклор)» тўпламида (86-146-бетлар) эълон қилинди. Достон тўла равишда камина томонидан нашрга тайёрланди ва у икки марта - 1969, 1999 йилларда сўз боши билан, алоҳида китоблар тарзида чоп қилинди. Бу вариантнинг немис тилига таржимаси устида Бонн университетининг профессори Карл Райхл кўпдан бери иш олиб бормоқда. У ўзбек халқ достончилиги ҳақидаги монографик тадқиқотини инглиз тилида 1992 йилда эълон қилган.

Достон сюжетини ҳар томонлама ўрганиш учун унинг мазмунини тўла ёки қисман ёзиб олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бахшиларнинг ўзлари достонни куйламай, унинг мазмунини ҳикоя қилиб беришни «эртак қилиб айтмоқ» деб юритадилар. «Алпомиш» достони бахшилардан шундай ҳолатларда ҳам ёзиб олинган.

Достоннинг ғоявий-бадиий ва композицион қурилиш жиҳатидан энг мукаммал варианти атоқли достончи Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда машҳур фольклор тўпловчи Маҳмуд Зарифов ёзиб олган нусха ҳисобланади. Унинг биринчи қисми қисқартирилган ҳолда 1939 йилда Ҳоди Зарифнинг «Ўзбек фольклори» хрестоматиясида (80-128-бетлар) нашр этилди. Шундан бери Фозил Йўлдош ўғли вариантидан парчалар (асосан Ҳоди Зариф нашри асосида) мактаб хрестоматиялари, ўқув қўлланмалари, турли тўпламлар, вақтли матбуотда мунтазам равишда чоп этилиб келинмоқда.

«Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли вариантини қисқартириб, аммо сюжет қурилишини тўла сақлаган ҳолда биринчи марта нашр этиш атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжонга насиб қилди. 1939 йилда босилиб чиққан бу китобда (1957 ва 1958 йилларда унинг иккинчи ва учинчи нашрлари амалга оширилди) 1928 йилда ёзиб олинган матн деярли икки бараварга қисқартирилган бўлса-да, достоннинг ғоявий-бадиий хусусиятлари ва композицион қурилиш тўла равишда сақланган.

Достоннинг Ҳамид Олимжон нашридан кейин уни рус тилига таржима қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Дастлаб 1943 йилда ундан парчалар, 1944 йилда эса, биринчи қисми академик В. М. Жирмунскийнинг сўз боши билан Тошкентда алоҳида китоблар тарзида босилиб чиқди. Шоир-таржимон Л.М. Пеньковский достон таржимаси устида бир неча йиллар муттасил ишлади. Ҳоди Зарифнинг айтишича, Л.М. Пеньковский таржима давомида Ҳоди Зариф, Ҳамид Олимжон, Фозил шоирлар билан доимий мулоқотда бўлган, зарурий маслаҳатлар олиб турган. Натижада достоннинг анча мукаммал бадиий таржимаси юзага келган. Бу таржима 1949 йилда Тошкентда М. Шайхзода сўз боши билан, Москвада В.М. Жирмунский изоҳлари билан нашр этилди. Шундан кейин яна бир неча марта достоннинг рус тилидаги Тошкент (1958, 1974, 1998), Москва (1950, 1958), Ленинград (1982) нашрлари амалга оширилди. Рус тилидаги таржимаси асосида унинг словак тилида насрий баёни, инглиз тилида парчалар босилиб чиқди.

«Алпомиш» достони вариантларини ёзиб олиш 30-40- йилларда ҳам давом эттирилди. 1937 йилда Юсуф Султонов Кўқоннинг Бешкапа қишлоғида Бўри Содиқ ўғлидан, 1938 йилда Шамси Муродов қизилтепалик кекса достончи Саидмурод Паноҳ ўғлидан достон вариантларини ёзиб олдилар. Бу ўринда Саидмурод Паноҳ ўғли варианти ҳақида алоҳида тўхташга тўғри келади. Биринчидан, достонни айтувчи Саидмурод Паноҳ ўғли асар ёзиб олинган пайтда 80 ёшда бўлган, унинг ёзиб олувчиси Шамси Муродов эса, 13 ёшли мактаб ўқувчиси эди. Бу нарса бахши анча кексайиб қолганига қарамай, хотираси ва ҳофиза қудратини мустаҳкам сақлаб қолганлигидан далолат беради. Иккинчидан, у 1960 йилда Ғиждувон туманининг Заҳқаш қишлоғида Амин Малик ўғлидан фольклоршунос Малик Муродов ёзиб олган вариант билан биргаликда Бухоро вилоятида достоннинг куйланиши ва тарқалиши хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

«Алпомиш» достони вариантларини тўплаш ва авлодлар учун сақлаб қолишда кекса авлод фольклоршуносларининг чинакам фидойилик намуналарини кўрсатганлар. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан оғир ярадор бўлиб қайтган Мансур Афзалов 1944 йилнинг ёзида Нурота туманининг чекка бир қишлоғи — Кўтир қишлоқда Бекмурод Жўрабой ўғли деган достончи яшаётганлиги ҳақида хабар топади. Ўзининг соғлиги ва йўл азобига қарамай, сафарга отланади. Кўтир қишлоқда бир неча кун бўлиб, бахшидан «Алпомиш» достонининг яна бир вариантини ёзиб олади ҳамда Нуротанинг шимолий қишлоқларида яшаган ўнлаб бахшилар ҳақида фанга маълум бўлмаган янги маълумотлар тўплайди.

«Алпомиш» достони вариантлари кўлгина вилоятлардан ёзиб олинганлигига қарамай, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари бўйича фақат айрим маълумотларгина мавжуд эди. Бундай кемтикликни тўлдириш мақсадида 1945 йилда бу воҳаларга махсус фольклор экспедицияси уюштирилди. Қосим Муҳаммедов Шеробод туманининг Чиғатой қишлоғида яшовчи устозода бахши Мардонақул Авлиёқул ўғлидан «Алпомиш»нинг иккинчи қисмини ёзиб олди. Бу воҳалардан фольклор асарлари тўплаш кейинги даврларда ҳам изчил давом этди. Бунда Абдумўмин Қаҳҳоров, Чори Ҳамро, Абдуолим Эргашев каби фольклоршуносларнинг муносиб ўрни бор. Жумладан, 1955 йилда Зубайда Ҳусаинова Китоб тумани Қайнарбулоқ қишлоғида яшовчи Абдулла шоирдан, Зубайда Ҳусаинова билан Музайяна Алавия шу туманнинг Шотири қишлоғида яшовчи Ҳамро Эргаш ўғлидан, Мансур Афзалов Шаҳрисабзда турувчи Зоҳир Қўчқор ўғлидан, 1956 йилда Охунжон Собиров Деҳқонобод тумани Қорашина қишлоғида турувчи Умир шоирдан, 1958 йилда яна Мансур Афзалов Жарқўрғон тумани Жалойир қишлоғида яшовчи Мамадрайим бахшидан достон вариантларини ёзиб олдилар. 1963 йилда Тожикистоннинг Колхозобод тумани Пахтаорол қишлоғида турувчи Бўрибой Ахмедовдан ёзиб олинган вариант ҳам аслида Шеробод достончилик мактабига тегишлидир. Бу айтилганларга 1998 йилда Тошпўлат Турдиев томонидан нашр этилган Хушбоқ Мардонақулов вариантини ҳам қўшсак, достон вариантлари Сурхондарё ва Қашқадарёдан энг кўп ёзиб олинганлиги аён бўлади.

«Алпомиш» достонини ёзиб олиш ва нашр этиш билан бир қаторда уни илмий равишда ўрганиш ишларига ҳам асос солинди. Юқорида эслатилгандек, Ғози Олим, Ҳамид Олимжон, В.М. Жирмунский, Мақсуд Шайхзода каби олим ва ёзувчиларнинг достон нашрларига ёзган муқаддима ва кириш мақолалари бу йўлдаги дастлабки қадамлар бўлди.

1956 йилнинг сентябрь ойида «Алпомиш» достонини ўрганиш масалаларига бағишлаб, Тошкентда ўтказилган минтақавий илмий конференция катта аҳамиятга эга бўлди. Конференция арафаси ва ундан кейин Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Исмоил Сағитов, Шарифа Абдуллаева, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Сайдулла Мирзаев каби олимларнинг газета ва журналларда мақолалари эълон қилинди.

«Алпомиш» достонини ҳақиқий миллий эпос сифатида ўрганишда мустақиллик даврида катта имкониятлар яратилди. Юқорида эслатилгандек, унинг фундаментал нашрлари амалга оширилди. Энг муҳими, достоннинг илмий-академик нашри устидан тадқиқотлар якунланди.

Суҳбатдош: Михли САФАРОВ.

2 3

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II max компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6

ДИҚҚАТ!
ЮҚОРИ БОСИМЛИ АСОСИЙ ГАЗ ҚУВУРИ!

Сизнинг туманингиз ҳудудида умумдавлат аҳамиятига молик қимматбаҳо иншоот — асосий газ қувури трассаси ўтади.

Газ қувури — портлаш ва ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи юксак хавф-хатар манбаидир. Муҳофаза минтақасида ишларни олиб бориш қоидаларига риоя қилиш — Сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир.

Газ қувуридан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун СНиП 2.05.06-85 га мувофиқ қуйидагича хавф-хатар ҳудудлари белгиланган:

- кам олтингугуртли газли газ қувурлари: Муборак-Навоий, Шўртан - Сирдарё ГРЭС - Янги Ангрен ва Тошкент ГРЭСлари учун газ қувурларининг ҳар иккала томонидан 500 метрдан;

- бошқа газ қувурлари учун — газ қувурларининг ҳар иккала томонидан 250 метрдан.

Одамлар қурбон бўлиши ва моддий зиён кўрилишининг олдини олиш учун газ қувурларининг хавф-хатар ҳудудида:

- бирон-бир иморатлар қуриш, дала шийпонлари, хирмонлар, ёқилғи қуйиш шохобчаларини ташкил этиш;

- моллар учун сувлоқлар ва қўраларни барпо этиш;

- силос бостирилган ўралар қазиш, пичан ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш майдончаларини ташкил қилиш;

- қум-шағал ва бошқа карьерларни барпо қилиш;

- ахлат уюмларини тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини ёқиш

КАТЪИЯН ТАЪҚИҚЛАНАДИ!

Асосий газ қувурлари ва электр узатиш линиялари ўтадиган жойларда улар яқинида йўллар қуриш, кабель, сув қувурлари ва бошқа ер ости, ер усти ва юзасидаги коммуникацияларни ётқизиш «Ўзбектрансгаз» асосий газ қувурлари бошқармаси (Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31 «а»-уй. Телефон: 56-38-07) билан келишилган ҳолда ва ана шу бошқарма томонидан берилган техникавий шартларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Асосий газ қувурлари яқинида ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

ХАВФЛИ
ЮҚОРИ БОСИМЛИ ГАЗ КУВУРИ

«ЎЗБЕКТРАНСГАЗ» ДАВЛАТ БИРЛАШМАСИ

11@1233

Олмалиқ маиший кимё корхонасининг фаолияти тугатилади. ОКПО коди 00203045. Корхонага бўлган даъволар рўзномада эълон қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Олмалиқ шаҳри, Пиримқулов кўчаси, 6-уй. Тел.: (37161) 3-46-08.

МЕБЕЛЬ

СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗ УЧУН

БУЮРТМАЛАР БЕВОСИТА ИТАЛИЯ ВА ПОЛЬШАДАН КАТАЛОГЛАР БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ ВА ЙИҒИШ ТАЪМИНЛАНАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: ФУРҚАТ КЎЧАСИ, 5 КОРПУС.

Тел. (371) 144-27-15.

11@2115

«ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ» ОТҲЎЖ

ЯНГИ ЭФ-24\12 РУСУМЛИ 2 ДОНА ЭЛЕКТРОЛИЗЁР ХАРИД ҚИЛАМИЗ,

ШУНИНГДЕК, 7 ДОНА ЭЛЕКТРОЛИЗЁРНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ УЧУН МУТАХАССИСЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

ТЎЛОВ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Телефонлар; 24-48-22, 24-96-53, факс. 24-94-27.

2143

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Халқ сўзи» газетаси ходими Сергей Лукинга онаси **Галина Павловна ЛОГОВСКАЯнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Муштум» журнали жамоаси журналнинг Бош муҳаррири Ашурали Жўраевга волидаи муҳтарамаси **МУШАРРАМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси жамоаси бўлим бошлиғи Турғунбой Ибрагимовга акаси **Бекмурод ЎРОЗБОЕВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қарши Давлат университетининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи **Исмат Қудратович ХИДИРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт лаборатория мудири **Абдуали ҒАНИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоатчилиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси **Абуали Ғаниевич ҒАНИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласи аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.